

## Аудиторлик ташкилотлари диққатига!

### «Муборакнефтегазмонтаж» акциядорлик жамияти танлов эълон қилади:

1. 2021 йил натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисоботни миллий аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказиш учун;

2. 2021 йил натижалари бўйича халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказиш учун;

3. 2021 йил натижалари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви бўйича.

«Муборакнефтегазмонтаж» акциядорлик жамияти таркибидаги иккита масъулияти чекланган жамият ва учта унитар корхонанинг бошқарувчи ташкилоти ҳисобланади. Аудиторлик текшируви тизим корхоналари билан бирга ўтказилиши кўзда тутилган.

Танловда қатнашишга қўйидаги ташкилотлар иштироки назарда тутилади:

- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензияга ва Суғурта полисига эга корхоналар;

- Миллий сертификатлаш тизимига мувофиқ юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлиши;

- Халқаро молиявий ҳисобдорлик стандартлари (аудит, ҳисоботлар ХМҲСга мувофиқлиги) бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ (уч йилдан кам бўлмаган) амалий тажрибага эга бўлиш;

- ўз ходимлари рўйхатида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, халқаро аудит стандартлари бўйича зарурий бухгалтерлик, аудиторлик малакасига эга, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари соҳасида аудит ва шунга мос маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи, халқаро тан олинган сертификатларга (ACCA, DipIFR, CPA, CIPA) ҳамда 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга мутахассилар мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифи муҳрланган конвертда, жамият муҳри билан тасдиқланган ва йўлловчи хат билан бириктирилган ҳолда тақдим этилиши зарур ва қўйидаги ҳужжатлардан иборат бўлиши шарт:

- танлов иштирокчисининг хизматлари нархи кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш таклифи, тўловни амалга ошириш тартиби;

- ташкилотга тегишли бўлган маълумот, шу жумладан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

- аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича тегишли лицензия нусхаси;

- текширишда қатнашадиган аудиторларнинг касбий даражасини белгиловчи сертификат нусхаси, халқаро сертификатлар ва корпоратив бошқарув ёки қимматли қўғозлар бозори мутахассислигини тасдиқловчи аттестат нусхаси;

- суғурта полиси нусхаси.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун таклифлар тақдим этиш муддати 17.03.2021 йилгача белгиланади.

Танловда иштирок этиш бўйича тижорат таклифларларини қўйидаги манзил бўйича почта оркали ёхуд жамият девонхонасига шахсан етказиш зарур:

— индекс 180900, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2—миттитуман, Занжисарой кўчаси, «Муборакнефтегазмонтаж» акциядорлик жамиятининг маъмурий биноси.

Маълумот учун телефон: + 998 97 300-87-14 (Касимова Г.И.)

Электрон почта: [mngm07@mail.ru](mailto:mngm07@mail.ru)

Веб-сайт: [www.mngmaj.uz](http://www.mngmaj.uz)